

**«Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ
акциядорларининг 2020 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти якунлари
юзасидан йиғилиш
2-БАЁННОМАСИ**

2021 йил, 08 май

Наманган шаҳри

*Мажлиснинг ўтиш жойи: Наманган шаҳар У.Носир кўчаси 12-уй жойлашган
«Namangan Dori-Darmon» АЖ биносининг мажлислар зали.*

Жами акциялар:	- 1 123 920 дона
Йиғилишда қатнашдилар:	- 641 805 дона акция овози
<i>Шу жумладан:</i>	
Наманган шаҳар ҳокимлиги вакили О.Мамажонов	- 621 528 дона акция овози
Бошқа акциядорлар	- 20 277 дона акция овози
Умумий йиғилиш кворуми:	-57,10 фоиз

Йиғилишни бошлашда жамият кузатув кенгаши раиси А.Мамадалиев сўз олиб, “Jahon ihtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида кузатув кенгаши 2021 йил 02 апрелдаги йиғилишида қарор қабул қилганлигини, бу ҳақда Наманган ҳақиқати газетасига, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)да ҳамда жамият расмий веб-сайти (namjahonsavdo.uz)да белгиланган тартибда эълон берилганлигини айтди.

У ўз сўзини давом эттирар экан, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 66-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 01 июндаги кузатув кенгаши қарорига мувофиқ жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига жамият ходимларидан санок комиссиясига аъзолигига Исмаилов Музаффар, Исматуллаев Боходир ва Садикова Нигора номзодларини таклифини киритилганлигини, ушбу санок комиссияси таркиби учун қўшимча таклифлар бўлмаса юқоридаги кўрсатилган уч нафар номзодларни бир овоздан тасдиқлаб беришларини сўради.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан санок комиссияси аъзолигига Исмаилов Музаффар, Исматуллаев Боходир ва Садикова Нигоралар номзодлари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси ўз сўзини давом эттирар экан, юқоридаги санок комиссияси аъзоларидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ йиғилишни ўтказиш учун кворум бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот сўради.

Санок комиссияси раиси Н.Садикова сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг 2020 йил якуни бўйича ўтказилаётган йиллик умумий йиғилишда жами овоз берувчи 1 123 920 дона акциядан 641 085 дона ёки 57.10 фоиз акция эгалари иштирок этаётганлиги ҳамда йиғилишни ўтказиш учун кворум борлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамият 2021 йил 08 майдаги акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилиш иштирокчиларига кун тартибидаги масалаларни ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи тинглаш.
3. Жамият бош директорининг 2020 йил якунлари бўйича бизнес режа бажарилиши, харажатлар сметаси ҳамда йил давомида бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича жамият ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисобланишининг ҳаққонийлигини текшириш натижалари ва ҳисобот даврида уларнинг бажарилиши тўғрисида аудитор ташкилоти хулосасини кўриб чиқиш.
8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси, аъзолари, жамият бош директори ҳамда жамият ишчи ходимларини 2020 йил якунлари бўйича мукофотлаш.
10. Жамиятнинг 2021 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
11. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият тафтишчисини сайлаш.
13. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ҳамда унга тўланадиган компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;
14. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти танлаш ҳам унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

КУН ТАРТИБИНИНГ МУҲОКАМАСИ:

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўтказилаётган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш кун тартибидаги ҳар бир масалалар юзасидан талаблар ва ўтказилиш тартиби тўғрисида гапириб ўтди ҳамда кўшимча таклифлар бўлмаса, жамият акциядорларининг 2021 йил 08 майдаги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш учун овозга кўйди. (умумий йиғилиш регламент илова қилинади)

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

2. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб шундай деди, 2020 йил давомида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 8 нафар аъзолари томонидан олиб борилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот берди.

У ўз ҳисоботида ўтган 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Кунунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва

махаллий хокимиятнинг қарорлари ва фармонлари асосида иш олиб борилди ва жамият манфаатлари юзасидан йил давомида 8 марта ўзининг йиғилишларини ўтказиб, кенгаш аъзолари томонидан 10 дан ортиқ турли хилдаги масалалар кўриб чиқилди ва муҳокамалар юзасидан қарорлар қабул қилинганлиги, йил давомида кузатув кенгаши қарорлари натижасида 2020 йил давомида олиб борилган ишлар натижасида йил якунлари бўйича жамият томонидан соф фойда суммаси 911 520 400 сўмни ташкил этганлигини айтиб ўтди.

У ўз сўзини якунлар экан, жамият акциядорлари ва йиғилиш иштирокчиларидан жамият кузатув кенгашининг 2020 йил давомида олиб борилган ишларига бюллетенлар орқали муносиб баҳо беришларини сўраб, кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

3. Йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият бош директори Ш.Хамроҳўжаев сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2020 йил якунлари бўйича жамиятига ижара, стаянка ва бошқа тушумлардан жами бизнес режа бўйича 4 899 000 минг сўм, амалда – 4 501 859 минг сўмга, яъни режага нисбатан бажарилиши 91,89 фоизга;

- умумий даромадлардан жами ҳисобланган солиқлар давлат бюджетига - бизнес режа бўйича 1 620 000 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда – 1 022 900 минг сўм тўланди, режага нисбатан 63,14 фоизга бажарилгани, бунга сабаб солиқ кодексига ўзгартириш киритилиб, унга асосан жамият умумсолиққа ўтганлигиди. Авваллари жавлат бюджетига соф тушумнинг 54 фоизи туланарди, ўзгаришларда сўнг 35-40 фоиз атрофида солиқлар тўланади ;

- жами харажатлар – бизнес режа бўйича 2 990 900 минг сўм бўлиб, амалда – 3 264 537 минг сўм харажат этилиб, режага нисбатан 109,15 фоизга ошган;

- олинган соф фойда – режа бўйича – 688 100 минг сўм, амалда – 911 520,4 минг сўм, режага нисбатан – 132,46 фоиз, яъни жамият томонидан тасдиқланган режага нисбатан 233 420,40 минг сўм кўп фойда олишга эришилган. (ҳисоботнинг тўлиқ матни илова этилади)

Жамиятда 2020 йил давомида соф тушум ҳамда харажатларнинг кўпайиб кетишига асосий сабаб Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси қарорига асосан 2020 йил 25 мартдан 15 августга қадар савдо комплекси фаолияти тўхтатилганлиги ҳамда фаолиятини тиклаганидан сўнг кўзда тутилмаган харажатларнинг кўпайиб кетганлиги бўлганлигини айтди.

Бундан ташқари, жамият ижроия органи томонидан 2020 йил давомида, Наманган вилоят ва шаҳар хокимликларини томонидан уюштирилган хашар ва бошқа тадбирларда ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. Кам таъминланган оила аъзолариги хокимиятнинг тавсияларига асосан беғараз ёрдам сифатида хомийликлар кўрсатилганлиги таъкидлаб ўз сўзини якунлади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамият бош директорининг 2020 йил якуни бизнес режа бажарилиши, жорий таъмирлаш ишлари учун тақдим этган харажатлари ва қилинган ишлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

4. Кун тартибидаги 4-масала жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттириш бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Хасанова сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2020 йил якуни молиявий хўжалик фаолияти бўйича қуйидагиларни ижара хизматидан, автотураргох хизматидан ва бошқа хизматлардан жами 4 501 859 минг сўм даромад олинган. Шундан мажбурий солиқлар ижара хизмати, автотураргох хизматидан ва бошқа хизматлар учун жами 2 795 499.6 минг сўм солиқ туланди, жамиятнинг 2 171 461.8 минг сўм харажат қилган ҳолда йил якуни бўйича 437 886 минг сўм фой фойда олишга эришилганини бу эса жамиятнинг самарадорлик кўрсаткичлар 114,3 фоизга ошганини маълум қилди.

Шунингдек, у ўз давом эттирар экан жамиятнинг 01.01.2021 йил ҳолатига 239867.6 минг сўм кредитор қарздорлик мавжуд бўлиб, бунга асосий сабаб, ўтган йиллар якунлари бўйича ҳисобланган дивидендни акциядорлар томонидан ўз вақтида олинмаётгани ҳамда жамиятнинг 01.01.2021 йил ҳолатига 162 573 минг сўм дебитор қарздорликлари мавжудлиги, ушбу қарздорликни келиб чиқиши ижарачи учун ҳисобланган ва ўз вақтида тўланмаган 8 320 минг сўм ҳамда бошқа қарздорликлар ҳисобига эканлигини айтиб ўз сўзини якунлади.

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, жамият бош ҳисобчиси ҳисоботини қониқарли деб ҳамда тасдиқлаш беришлари юзасидан овозга қўйди

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

5. Кун тартибидаги 5-масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Хасанова сўзга чиқиб, “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан “Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” акциядорлик жамиятнинг 2020 йилдаги фаолияти бўйича миллий стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий кўрсаткичлари юзасидан аудиторлик текширувлари ўтказилгани ҳамда жамиятга ижобий баҳо берилганини айтиб, жамиятга тақдим этилган ижобий хулосасини ўқиб эшиттирди. *(аудит ҳисоботи нусхаси илова қилинади)*

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, ташқи аудиторлик ташкилотини ҳисоботини қониқарли деб ҳамда тасдиқлаш беришлари юзасидан овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

6. Кун тартибидаги 6- масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексга асосан жамиятлар ҳар йили Кодекс тавсияларига риоя этиш жараёнини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан боҳалатиши назарда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

Мустақил ташкилот “ДАВР” МЧЖ жамият томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, ахборот ва бошқа материаллар жамиятда корпоратив бошқарув ҳолати тўғрисида мустақил фикр билдириш учун етарли асослар мавжудлигини тасдиқлайди. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, “Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖда 2020 йил якунлари бўйича жами баллар сони 327 балл бўлиб, корпоратив бошқарув тизими даражаси баҳолаш натижалари бўйича “яхши” деб топилган.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан “ДАВР” МЧЖ томонидан тақдим этилган жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш учун овозга қўйилди

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

7. Кун тартибидаги 7- масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича жамият ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисобланишининг ҳаққонийлигини юзасидан тузилган йиғма ҳисоботини ўқиб эшиттирди. (СМК ҳисоботи тақдим этилади)

“ДАВР” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, илгари ҳисобланган СМК миқдори 114,36 фоизни ташкил қилади ҳамда жамият қониқарли молиявий даражага эгаллиги ва ижроия органининг самарадорлиги ўртача деб ҳисобланиши таъкидланган.

Йиғилиш раиси “ДАВР” МЧЖ жамиятнинг 2020 йил СМК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботини қониқарли деб қабул қилинишини овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

8. Кун тартибидаги 8- масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режаларини ҳамда инвестиция дасгурларини кайта кўриб чиқиш ва улар томонидан Давлат бюджетига дивиденд ва ажратмаларни ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги йиғилиш қарори 5 бандига асосан 2020 йил якуни бўйича соф фойдасининг 85 фоизини дивидендга йўналтириш тўғрисида хўжалик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини қабул қилинишини ва давлат улуши бўйича дивидендларнинг бюджетга йўналтирилишини таъминлаш юзасидан топшириқ берилганлигини таъкидлади.

У ўз сўзини давом эттирар экан, Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган аудиторлик текширув натижаларига кўра “Jahon ihtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi” 2020 йил якунлари бўйича 911 520,4 минг сум соф фойда олганлигини, ушбу олинган соф фойдани жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 02 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан қуйидагича тақсимлашни акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилганлигини айтиб, тақсимотни ўқиб эшиттирди:

- 85.08% ёки 775 504 800.00 сўм – жамият акциядорлари акциялари учун дивиденд тўлови учун йўналтиришга. (1 дона оддий акцияга 690 сўмдан дивиденд).

- 7.1% ёки 64 406 059.00 сўм - Кузатув кенгаши раиси, аъзолари, жамият бош директори ҳамда жамият аъзоларига 2020 йил якунлари билан рағбатлантиришга йўналтирилсин.

- 7.86% ёки 71 609 541.00 сўм – жамият бош директорининг мурожаатига асосан, бозор ҳудудидаги йўлак том ёпқичларни қайта таъмирлашга йўналтирилсин.

Йиғилиш раиси 2020 йил соф фойда тақсимоти, дивидент миқдори ва тўлаб бериш шартлари юзасидан қўшимча ва эътирозлар бўлмаганлиги учун ушбу масалани овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

9. Кун тартибидаги 9- масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 74-моддасида “Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ҳамда ушбу Қонуннинг 59-моддасига асосан эса жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоларини ва жамият бош директорини 2020 йил якуни билан қуйидаги миқдорда рағбатлантириш масаласи кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ҳамда тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тавсия этилди:

1. Кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробарида миқдорида;

2. Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2.5 баробарида миқдорида;

3. Жамият бош директори ва бош ҳисобчига бир ойлик маошининг баробари миқдорида;

Бундан ташқари, 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан рағбатлантириш учун ажратилган 64 406 059 сўм маблағнинг қолган қисми жамият ҳодимларига иловага асосан рағбатлантириш кераклиги таъкидлади.

Шундан сўнг йиғилиш раиси акциядорлардан кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, жамият бош директори ва унинг ҳодимларини 2020 йил якунлари бўйича рағбатлантириш бўйича таклифлар юзасидан қўшимча таклиф ёки этирозлар бўлмаганлиги сабаб ушбу масалани овозга қўйди ва санок комиссияси томонидан тақдим этилган бюллетенлар орқали белгиланган тартибда тасдиқлаб беришларини сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

10. Йиғилиш кун тартибидаги 9 масала юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, “Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунинг 75-моддасига

асосан жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозимлиги кўрсатилган бўлиб, жамият кузатув кенгаши томонидан 2021 йил учун тайёрланган бизнес режасини белгиланган муддатларда маъқулланган айтди.

Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 30 ноябр куни ўтказилган йиғилишда жамият 2019 йилда ҳамда 2020 йил 9 ойлиги давомида эришилган кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилинган ҳолда, жамият бизнес режасини қайта кўриб чиқилди ва йиғилиш қарорига асосан, жамияти томонидан 2021 йил учун мўлжалланган бизнес режасини маъқуллади таъкидлади.

Йиғилиш раиси ўз сўзини якунлар экан, «Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаб беришларини сўраб, ушбу масалани овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

11. Йиғилиш кун тартибидаги 11-масала Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масалалари йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда жамият Низомига мувофиқ жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши тўғрисида гапирди.

Шунга кўра, Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳамда жамиятнинг 1 фоиздан юқори акциядорлари томонидан қуйидаги Мамажонов Одилжон Нуманович - Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Савдо департаменти” бошлиғи, Мамадалиев Абдор - “QOJAKENT TEXTILE – GROUP” масъулияти чекланган жамияти бош директор ўринбосари, Раҳмонов Содикжон - Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Умурзақов Дилмурод - Наманган шаҳар иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, Камчибеков Фарход - Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши котибияти бош мутахассиси, Қаюмов Тохир Насибханович – Монополияга қарши курашиш қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Турсунов Одил Каримович - Наманган шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи, Мадаминов Азимжон - Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Савдо департаменти” мутахассиси, Ходжаев Хошимжон – Чорва молларига ихтисослашган хайвон бозори раҳбари номзодларни эса кузатув кенгаши аъзоси тавсия этишганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорлардан юқоридаги жамият кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодларга кумулятив тартибда овоз беришларини сўради.

Кузатув кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш натижалари қуйидагича:

№	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Овозлар сони
1.	Мамажонов Одилжон Нуманович	641 085 та овоз билан
2.	Раҳмонов Содикжон	641 085 та овоз билан
3.	Камчибеков Фарход Олимжонович	641 085 та овоз билан
4.	Қаюмов Тохир Насибханович	641 085 та овоз билан
5.	Мадаминов Азим Ахмедович	641 085 та овоз билан

6.	Турсунов Одил Каримович	641 085 та овоз билан
7.	Умурзаков Дилмурод Абидович	641 085 та овоз билан
8.	Мамадалиев Аброр Нуралиевич	641 085 та овоз билан
9.	Ходжиев Хошимжон	641 085 та овоз билан

12. Йиғилиш кун тартибидаги 12 масала бўйича йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда жамият Низомига мувофиқ жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши тўғрисида гапирди.

Шунга кўра, жамиятнинг навбатдаги тафтишчилигига ҳеч бир акциядордан таклифлар тушмаганлиги сабабли, жамият кузатув кенгаши томонидан ҳозирги кунда жамият тафтишчиси бўлиб келган, Наманган шаҳар ҳокимлигининг бош ҳисобчиси Ғиясов Илхомжон Салоҳиддиновичнинг навбатдаги жамият тафтишчилигига номзодини тавсия этганномзод сифатида кўрсатилганлигини айтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорлардан жамият тафтиш комиссияси аъзоллигига кўрсатилган номзодга белгиланган тартибда овоз беришларини сўради.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

13. Йиғилиш кун тартибидаги 13 масала бўйича йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 79-моддага ҳамда жамият Низомига асосан жамият бош директори ва аъзолари билан тузилган шартнома муддати узайтирилади ёки бекор қилиш ваколати жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кўрсатилганлигини айтди.

Жамият кузатув кенгашининг умумий йиғилиши тавсиясига асосан келгуси даврдаги ижроия органи аъзоллигига ўтган 3 йил давомида ўзининг меҳнатсеварлиги ва шижоатлари орқали жамиятнинг юқори даражаларга олиб чиқаётган жамият бош директори Хамроҳўжаев Шерзод Абдуллажонович билан тузилган меҳнат шартномасини яна бир йил муддатга узайтиришни тавсия этганлигини айтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 59-моддасида жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу қонунга мувофиқ ҳар ойда жамият бош директори Хамроҳўжаев Шерзод Абдуллажоновичга ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларини инобатга олган ҳолда ойлик маошини ошириш, ҳамда 2019 йил якуни билан ўтказилган умумий йиғилиш қарорига мувофиқ бир ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида компенсация (устама) ҳақ тўлашни тавсия этганлигини таъкидлади.

Юқоридаги, кузатув кенгаши томонидан билдирилган фикрларга қўшимча ёки эътирозлар бўлмаса, ушбу масалани бюллетенлар орқали тасдиқлаб беришларингни сўрайман

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

14. Йиғилиш кун тартибидаги 13 масала жамият юзасидан йиғилиш раиси А.Мамадалиев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳар бир акциядорлик жамиятлари ва бошқа юридик шахслар томонидан ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси олиш мақсадида аудиторлик ташкилотларини танлов асосида танлаб олиш лозимлиги ҳамда ушбу масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши белгилаб қўйилганлигини айтди.

Шунга кўра, жамият кузатув кенгаши қарорига асосан 2021 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий ва халқоро стандартлар асосида ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтказиш учун танлов эълон қилинди. Танловга асосан республикада фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан кўплаб таклифлар тушган бўлиб, кузатув кенгаши томонидан ушбу номзод аудиторлик ташкилотларини ўрганиб чиққан ҳолда жамиятнинг ўтган йиллар якуни бўйича аудиторлик текширувлари ўтказган “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил якуни бўйича ўтказиладиган аудит текширувларига муносиб деб топганлигини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу ўтказиладиган аудиторлик текширувлари хизмат ҳақларининг энг юқори миқдорларини белгилаш инobatга олиб, кузатув кенгаши томонидан 2021 йил миллий ва халқоро стандартлар бўйича аудит текширувлари учун 15 000 000 (ўн икки миллион) сўмгача бўлган миқдорда хизмат ҳақи тўлашни тавсия этилганлигини айтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси юқоридаги масала юзасидан жамият кузатув кенгашининг тавсияларига қўшимча таклифлар бўлмаса ушбу масалага овоз беришингларни сўрайди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 641 085 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

**Йиғилиш санок комиссиясининг ҳисоботларидан келиб чиққан ҳолда
акциядорлар умумий йиғилиши**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ акциядорларининг 2021 йил 08 майдаги йиллик умумий йиғилиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил давомида бажарган ишлари бўйича ҳисоботи қоникарли деб топилсин.

3. Жамият Бош директорнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик бизнес режани бир қисми йил давомида пандимия туфайли бозор фаолиятини вақтинчалик тўхтатилганлиги туфайли бажарилмаганлиги ҳамда йил давомида амалга оширган ишлари, жамият ҳисобидан бозорни жорий таъмирлаш учун қилинган харажатлари

ҳамда йил давомида жамият ишчи ходимларини рағбатлантириш билан ва хомийлик билан боғлиқ харажатлари ва жамият манфаатлари учун бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва маълумот учун қабул қилинсин.

4. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ва маълумот учун қабул қилинсин.

5. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан МЧЖ шаклидаги “ДАВР” аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин

6. Корпоратив бошқарув кодексини бўйича жамиятнинг 2020 йил фаолияти юзасидан МЧЖ шаклидаги “ДАВР” аудиторлик ташкилотининг баҳолаш ҳулосаси тасдиқлансин ҳамда маълумот учун қабул қилинсин.

7. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича жамият ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисобланишининг ҳаққонийлигини текшириш натижалари ва ҳисобот даврида уларнинг бажарилиши тўғрисидаги МЧЖ шаклидаги “ДАВР” аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси тасдиқлансин ҳамда маълумот учун қабул қилинсин

8. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича олган 911 520,4 минг сўм соф фойдаси жамият кузатув кенгашининг тавсияга асосан қўйидагича тақсимлансин.

- 85.08% ёки 775 504 800.00 сўм – жамият акциядорлари акциялари учун дивиденд тўлови учун йўналтиришга. (1 дона оддий акцияга 690 сўмдан дивиденд).

- 7.1% ёки 64 406 059.00 сўм - Кузатув кенгаши раиси, аъзолари, жамият бош директори ҳамда жамият аъзоларига 2020 йил якунлари билан рағбатлантиришга йўналтирилсин.

- 7.86% ёки 71 609 541.00 сўм – жамият бош директорининг мурожаатига асосан, бозор ҳудудидаги йўлак том ёпқичларни қайта таъмирлашга йўналтирилсин.

Жамият бош директори Ш.Хамрахўжаева:

1. Жамиятнинг 2020 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 690 (олти юз тўқсон) сўм миқдоридан йиллик дивиденд тўлансин.

2. Дивидендлар пул кўринишида қўйидагича тўлансин:

- юридик шахсларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб берилсин;
- жисмоний шахсларга – нақд пул ва уларнинг банк пластик карточкаларига тўлаб берилсин.

3. Ҳисобланган дивидендлар, қонунда белгиланган тартибда дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар (бир дона акцияга 690 сўм) тўлашни бошлаш санаси 2020 йил 08 май, тугатиш санаси 2021 йил 07 июль этиб белгилансин.

5. Бозор ҳудудидаги йўлак том ёпқичларни қайта таъмирлаш учун йўналтирилган маблағни белгиланган тартибда сарфлансин;

6. Умумий йиғилиш қарорига асосан йўлак том ёпқичларни қайта таъмирлаш учун ажратилган 71 609 541 сўм маблағ етмаган тақдирда, жамиятнинг 2021 йил давомида олинган даромад ҳисобидан 30 000 000 миллион сўмгача бўлган маблағ сарфлашга рухсат берилсин.

9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси, аъзолари ҳамда жамият бош директорини 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси ҳисобидан

рағбатлантириш учун ажратилган 64 744 560 сўмдан 24 509 059 сўм иловага асосан қўйидагича рағбатлантирилсин:

1. Кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 3 баробари яъни 2 241 900 сўм миқдорида;

2. Кузатув кенгаши аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 2,5 баробарида, яъни ҳар бир кузатув кенгаши аъзосига 1 868 250 сўм миқдорида;

3. Жамият бош директорига 2 ойлик маоши миқдорида;

Шунингдек, рағбатлантириш учун ажратилган маблағларни қолган 39 900 000 сўм маблағни жамият ҳодимларини 2020 йил якуни бўйича иловага асосан рағбатлантириш учун йўналтирилсин.

10. Жамиятнинг 2021 йил бизнес режаси киритилган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда тасдиқлансин.

11. Жамиятнинг навбатдаги кузатув кенгаши аъзолигига Мамажонов Одилжон Нуманович, Мамадалиев Абдор, Рахмонов Содикжон, Умурзаков Дилмурод, Камчибеков Фарход, Қаюмов Тохир Насибханович, Мадаминов Азимжон, Турсунов Одил Каримович ва Ходжаев Хошимжонлар бир йил муддатга сайлансин.

12. Жамият Тафтишчисилигига Наманган шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси Ғиясов Илхомжон Салоҳиддинович тайнлансин.

13. Жамият бош директор Хамроҳўжаев Шерзод Абдуллажонович билан тузилган меҳнат шартномаси яна 1 йиллик муддатга узайтирилсин.

Жамият кузатув кенгашига:

- Бозорни самарадорлик кўрсаткичларини оширишда амалга бажараётган ишларини инобатга олган ҳолда ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 8 баробари миқдорида иш ҳақи тўлаш белгилаб кетилсин.

- Шунингдек, жамият акциядорларининг 27.06.2020 йилдаги умумий йиғилишда жамият бош директорига меҳнат шартнома бекор бўлгунга қадар ҳар ойига бир ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 % миқдорида устама қўшиб бериш тўғрисидаги қарори инобатга олинсин.

14. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий ва халқоро стандартлар асосида аудит текширувлари ўтказилиши учун “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти танлансин.

Жамият бош директори Ш.Хамроҳўжаев “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти билан миллий ва халқоро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш учун 15 000 000 (ўн беш миллион) сўмгача бўлган миқдорда шартнома тузиш ва имзолаш ваколати берилсин.

Йиғилиш раиси:

Баёнлаштирувчи:



А.Мамадалиев

С.Дадабоев